IN VITRO texnologiyasi meva-sabzavotchilik va bog'dorchilikni yangi bosqichga ko`taradi

Забардаст БЎРИЕВ,
ЎзФА Геномика ва биоинформатика маркази
директорининг илмий ишлар
бўйича ўринбосари

Бугунги кунга келиб, ҳар қандай давлатнинг таълим тизими, илм-фан секторининг рақобатбардошлиги ҳамда юқори технологияларни трансфер қила олиш қобилияти унинг ривожланиш мавқеини белгиловчи асосий индикатор бўлиб улгурди. Ушбу омил мамлакат иқтисодиётида инновацион характер касб этгани боис, ривожланган давлатлар илм-фан ривожига катта сармоя тикмоқда.

Мамлакатимизда ҳам кейинги уч йилда бу йўналишга эътибор янада ошди. Масалан, Президентимизнинг 2017 йил 10 февралдаги "Геномика ва биоинформатика соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни, шунингдек, иннова-

Бу борадаги илмий ишлар аҳамиятини Президентимизнинг 2020 йил 6 майдаги "Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори

рининг нав тозалигини сақлаб туриш, турли вируслар, замбуруғлар ва бактериал касалликлардан холи бўлган ўсимликлар олиш, селекция жараёни давомийлигини қисқартириш, ўсимлик ривожланиши жараёнида ювенил босқичдан репродуктив босқичга ўтиш вақтини тезлаштириш, анъанавий усуллар билан кўпайтириш қийин бўлган ўсимликларни кўпайтиришни осонлаштиради.

Микроклонал кўпайтириш технологиясидан фойдаланиш ўсимликни товар стандарти даражасида етиштириш вақтини камайтиришга имкон беради. Бир йил давомида бир нечта янги навларни яратиш, 2-3 йил давомида миллионлаб сифатли кўчат материалларини олиш мумкин. Одатий репродукцион усуллар билан эса 10 йилдан ортиқ вақт талаб қилинади.

Глобал миқёсда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг катта қисми